



Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 145 (12.456)

Баҳоси эркин нарҳда



## ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

### ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



### ОЛМАЗОР ТУМАНИ: ТАРАҚҚИЁТ ВА ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

Шу кунларда юртимизнинг барча ҳудудларида байрам шукуҳи ҳукмрон. Ҳар бир хонадон, ҳар бир маҳалла, туман ва ҳудудларда энг улуг, энг азиз байрамимиз Истиқлолнинг 22 йиллигини меҳнатда ва ижодда улкан ютуқлар билан кутиб олишга қизгин ҳозирлик кўришмоқда.



Шаҳримизнинг Олмазор туманида ҳам бу борада қизгин ишлар амалга оширилмоқда. Тўйга тўёна сифатида янги иншоотларни фойдаланишга топшириш, инсон турмуш фаровонлигига хизмат қиладиган объектларнинг тамал тошини қўйиш, теварак-атрофни ободонлаштириш, байрамни обод маҳалла ва саришта хиббонлар, файзли-тароватли масканларда кутиб олиш юзасидан кенг қўламли ишлар олиб борилаётди.

Таъкидлаш жоизки Олмазор тумани Шошнинг қадимий ва навқирон гўшаларидан биридир. Муствақиллик туфайли бу ҳудуд ҳам кундан-кунга чирой очиб, обод ва файзли масканга айланмоқда.

Олмазор тумани 1970 йилда ташкил топган. Унинг умумий майдони 3,45 минг гектарни ташкил этади. Юнусобод, Шайхонтохур ва Тошкент вилоятининг Заңгиота туманлари билан чегарадош. Туманда 332,2 минг аҳоли истиқомат қилади.

Туманда ишлаб чиқариш соҳаси йилдан йилга тараққий этмоқда. Хусусан, хусусий бизнес субъектлари ва тадбиркорлар сони тобора кўпаймоқда. Ҳозирги кунда 83 минг нафардан зиёд

аҳоли шу соҳада меҳнат билан банд. Кичик корхоналар ва тадбиркорлар сони кўпайиб бораётгани янги иш ўринларини яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, бозорларимизни ўзимизда ишлаб чиқарилган сифатли истеъмол маҳсулотлари билан тўлдириш имконини бераётди.

Олмазор туманида 32 та мактаб, эллиқдан зиёд мактабгача таълим муассасалари, 16 та касб-хунар коллежлари ва академик лицейлари, 4 та олий ўқув юрлари фаолият юритмоқда. Туманда 14 та тиббиёт муассасаси эл саломатлигини асраш йўлида иш олиб бораётди.

Мамлакатимизда оммавий спортни ривожлантириш, ёшларни спортга жалб этиш, шу соҳага ихтисослашган муассасалар фаолиятини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ишлар натижасида туманда салмоқли натижаларга эришилмоқда. Шу кунларда туман аҳолисига бу йўналишда икки юз саксондан зиёд стадионлар, сузиш ҳавзалари, спорт заллари, очик спорт майдонлари хизмат кўрсатмоқда. Бундай муас-

сасалар ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, оммавий спортни ривожлантириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, спортни оммавий ҳаракатга айлантиришда ўз самараларини бераётди.

Туманда маиший хизмат кўрсатиш тармоғи ҳам йилдан йилга ривожланмоқда. Бу йўналишда кимёвий тозалаш, автомобилларни таъмирлаш, соатсозлик, уй-рўзгор техника устaxonалари, сартарoшxоналар, фотостудиялар, модалар ательелари, теле-радио воситаларига техник хизмат кўрсатиш шохобчалари аҳолига замонавий услубда хизмат кўрсатмоқда.

Бир сўз билан айтганда, туманда барча тармоқларда эришилаётган ўзига хос натижалар, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар аҳолининг ислохотлардан баҳрамандлигини ошириб, халқимизнинг турмуш фаровонлигини юксалтириш, рўзгор бутлиги, дастурхонлар тўқинлиги, ҳаёт ободлигини таъминлаш омилли бўлаётди.

(Олмазор туманига бағишланган материаллар билан газетанинг 2-саҳифасида танишасиз)

### Дунё нигоҳи

## ЦЗЯО ЯН: «ЎЗБЕКИСТОН КЎҲНА ТАРИХ ВА БЕТАКРОР МАДАНИЯТГА ЭГА МАМЛАКАТДИР»

Шанхай Хотин-қизлар федерациясининг раҳбари Цзяо Ян «Жаҳон» ахборот агентлигининг мухбири билан суҳбат чоғида Ўзбекистон халқини тобора яқинлашиб келаётган Муствақиллик байрами билан қутлар экан, дўст ўзбек халқига янгидан-янги муваффақиятлар тилади.

Цзяо Ян ўзи раҳбарлик қиладиган федерация вакилларининг шу йил май ойида Тошкентда бўлиб ўтган «Хотин-қизлар ҳуқуқлари ва эркинлиги, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида фаол иштирокини таъминлаш: Ўзбекистон таърибаси» мавзусига бағишланган халқаро конференцияга таклиф этилганини алоҳида мамнуният билан ёдга олиб, ўзининг айрим фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашди.

— Юртингизга сафаримиз чоғида биз мамлакатингиз раҳбарияти ижтимоий соҳани ислох этишни ҳар томонлама қўллаб-қувватлагани ҳолда, аҳоли фаровонлиги, аёлларга ўз имкониятларини намойиш қилиш учун шароит яратиш ва ёш авлодни тарбиялаш борасида изчил чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этаётганига яна бир бор амин бўлдим, — деди у. — Ўзбек халқининг олижаноблиги ва самимиятини қалбдан ҳис қилдик, қўллаб аjoyиб, оқила ва гўзал аёллар билан танишишга муяссар бўлдик. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш йўлида улар муҳим ўрин тутаятгани бизни беҳад қувонтирди.

Шунингдек, Цзяо Ян Хитой делегациясининг мазкур сафари доирасида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва Ўзбекистон Бадиий академияси кўмағида «Шанхай аёлининг ҳаётидан бир аjoyиб кун» номли фотосуратлар кўргазмасининг муваффақият билан ўтказилганини ҳам қайд этди.

— Ушбу кўргазма орқали ўзбекистонликлар Шанхай аёллари, уларнинг ҳаёти, фаолияти, ижоди, қувонч ва зафарлари ҳақида қўллаб маълумотларга эга бўлдилар, — деди Цзяо Ян. — Бу каби тадбирларнинг ўтказилиши мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона алоқалар ҳамда маданий ҳамкорлиқнинг янада муствақамланишига хизмат қилиши тайин.

Ўзбекистоннинг замонавий тараққиёти ҳақида фикр юритар экан, Шанхай Хотин-қизлар федерациясининг раҳбари жадал иқтисодий тараққиёт, ижтимоий барқарорлик ва оқилона ташқи сиёсатга эга бўлган юртимизнинг халқаро майдондаги нуфузи кундан-кунга муствақамланиб бораётганини эътироф этди.

— Хитой сингари Ўзбекистон ҳам қадим тарих ва бетакрор маданиятга эга бўлиб, бу нафақат мамлакатларимизнинг маънавий яқинлиги ва менталитетларининг ўхшашлиги учун муствақам замин, балки ўзаро манфаатли стратегик шерикликни кенгайтиришга ҳам пойдевор сифатида хизмат қиладиган, — дея фикр билдирди Цзяо Ян. — Хитойлик ишбилармонлар истиқболли Ўзбекистон бозоридан сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдордир.

Цзяо Ян ўтказиб келинаётган тақдирот маросимлари туфайли Шанхай ва унга яқин бошқа ҳудудларда жойлашган провинциялар аҳолиси Ўзбекистоннинг урф-одат ва анъаналари, маданияти ва санъати, сайёҳлик салоҳияти ҳақидаги ўз билимларини бойитишга эътиборга молик эканлигини алоҳида қайд этди. «Ҳар икки мамлакатнинг хотин-қизлари ҳам Тошкент ва Шанхай ўртасидаги биродарлик алоқаларининг муствақамланишига салмоқли ҳисса қўшаётганлари бизни қувонтиради», деди у.

«Жаҳон» АА.  
Шанхай



### МАМЛАКАТИМИЗДА

• Фарғона вилояти фаолларининг жорий йил биринчи ярмида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 18 январдаги мажлисида Президентимиз томонидан белгилаб берилган 2013 йилги иқтисодий дастурнинг асосий устувор вазибалари ижросига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

• Наманган шаҳрида «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, муствақил Ўзбекистон!» шиори остида «Маҳалладан бошланур Ватан» мавзусида маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Шаҳар маданият ва спорт ишлари бўлими, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди шаҳар бўлими ҳамкорлигида ўтказилган мазкур тадбирда маҳалла фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари ва маҳалла фаоллари қатнашди.

• Ўрта Чирчиқ туманидаги Маънавият ва маърифат марказида «Мақом жамоалари ва катта ашула ижрочилари» кўрик-танловининг Тошкент вилояти босқичи бўлиб ўтди. Унда вилоятнинг ўн саккизта туман ва шаҳарларидан ташриф буюрган олтига мақом жамоаси ҳамда қирқ олти нафар яққохон ижрочи жонли ижрода ўз маҳоратини намойён этди.

• Хўжайли туманида «Микрокредит-банк» очик акциядорлик тижорат банкининг янги филиали иш бошлади. Бу билан мазкур молия муассасасининг Қорақалпоғистон Республикасидаги филиаллари сони олтига етди.

• И.Савицкий номидаги Қорақалпоқ давлат санъат музейида Обод турмуш йилига бағишлаб ёш рассомларнинг асарлари кўргазмаси очилди. Кўргазмада юртимизнинг табиати, бой тарихи, маданий бойликлари ифодаланган эллиқдан ортиқ картиналар томошабинлар эътиборига ҳавола этилди.

### ЖАҲОНДА

• Калифорния илмий тадқиқот институти ходими Марк Шоултер Куйш тизимидан энг узокда жойлашган Нептун сайёрасининг янги йўлдошини кашф этди. Унинг ҳажми жуда кичик бўлиб, «Хаббл» телескопи орқали туширилган суратлар ёрдамида аниқланди.

• Хитойнинг Чанша шаҳрида сайёрамиздаги энг баланд бинонинг қурилиши бошланди. Баландлиги 838 метрни ташкил этадиган мазкур иншоотга «Скай сити» номи берилган бўлиб, у ер юзидаги энг юксак бино — БААдаги «Бурж Халифа»дан ўн метр юқори бўлади. Умумий майдони 1,05 миллион квадрат метрга тенг мазкур осмон-нўпар бинода турли мақсадли ишлари 2014 йилнинг апрель ойида якунланиши режалаштирилган. Бунинг учун 850 миллион АҚШ долларига тенг маблағ сарфлаш кўзда тутилган.

• Европанинг тўртта клуби кейинги йилларда жаҳоннинг энг кучли футболчиси деб тан олинган Испаниянинг «Барселона» клуби ҳужумчиси 26 ёшли аргентиналик чарм тўп устаси Лионель Мессини сотиб олмоқчи эканлигини маълум қилди. Яъни «ПСЖ», «Манчестер Сити», «Анжи» ва «Монако» клублари Месси учун футбол тарихидаги рекорд миқдордаги пул — 120 миллион еврони тўлашга тайёр эканликларини билдиришди. Бироқ Мессининг шартномасида унинг трансфер нархи 250 миллион евро эканлиги ёзиб қўйилган.

### ҚИСКА САТРАПДАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг Юнусобод туман бўлимида «Муствақиллик — ин-


сон қадр-қиммати юксалишининг муҳим омилли» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Аҳолини

ҳуқуқий нашрлар билан таъминлашнинг истиқболлари» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

✓ **ЭРТАГА** Олмазор туманидаги «Галеника» масъулияти чеклан-

ган жамиятида муствақиллигимизнинг 22 йиллигига бағишланган «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, муствақил Ўзбекистон!» шиори остида тадбир ташкил этилади.



## ОЛМАЗОР ТУМАНИ: ТАРАҚҚИЁТ ВА ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

## ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ ЙЎЛИДА

**Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти Федерацияси юртимизда истеъмол маданиятини оширишга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Республикамизнинг ҳар бир туманида туман жамиятлари фаолият кўрсатмоқда. Жорий йилнинг шу кунига қадар ИХҚЖ Тошкент шаҳар ҳудудий бирлашмаси аъзолари сони 27 668 тани ташкил этиб, улардан 3602 нафари Ҳамза тумани ҳиссасига тўғри келади.**

Ҳамза туман жамияти томонидан ҳам бу борада ўзига хос ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 414-сонли «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси йўлида Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими билан ҳамкорликда белгиланган чора-тадбирларни бажариш мақсадида тумандаги Бобур, «Янги-қўрғон», «Бехизор», «Тарновбоши», «Янгиобод» маҳалла фуқаролар йиғинларида маҳалла аҳли ўртасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликни кенг тарғиб қилиш, «Обод турмуш йили» Давлат дастурига киритилган тадбирлар, шунингдек, турли соҳаларда истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини тушунтириш, ёшларнинг истеъмол маданиятини ошириш, маҳсулотларнинг сифати, ичимлик суви, табиий газ ва электр энергиясидан оқилона фойдаланиш ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 1 февралдаги 25-сонли қарори бўйича «Тармоқли маркетинг» усулида савдо қилишнинг ўзига хос хусусиятлари юзасидан давра суҳбати ва ўқув семинарлари ўтказилди.

Тадбирларда Ҳамза туман ИХҚЖ жамияти раиси Н.Мирзодиёров сўзга чиқиб, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари тўғрисида тушунтиришлар бериб ўтди. Сўнгра маҳалла фаоллари томонидан берилган саволларга Ҳамза туман жамиятининг мониторинг бўйича бош мутахассиси З. Ҳикматова жавоб бериб ўтди. Қизгин савол-жавобларга бой ўтган суҳбатлардан сўнг «Тарновбоши», «Янгиобод» маҳалла фуқаролар йиғинларида жамиятнинг таъин гуруҳлари очилди.

Даврон НУРМАТОВ

**Яккасарой туман ҳокимлигида**

## КОРХОНА- ТАШКИЛОТЛАР РЎЙХАТИ ТАСДИҚЛАНДИ

**Яккасарой тумани ҳокимлиги томонидан жорий йилнинг 19 июлида «Яккасарой туманида 2013 йилда ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш тўғрисида»ги 291-сонли қарор қабул қилинди.**

Ушбу қарорга асосан туманда 2013 йил учун ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш учун корхона ва ташкилотлар рўйхати тасдиқланди.

Шунингдек, туман ҳокимлиги қарориди ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш учун корхона, ташкилотлар раҳбарларига шундай ишларнинг уюштирилишини таъминлаш, жамоат ишларига жалб қилинган фуқаролар меҳнатига ҳақ тўлаш харажатларининг маҳаллий давлат ҳокимияти органларига қарашли корхона ва ташкилотлар бўйича 50 фоизи иш берувчилар маблағлари ва 50 фоизи маҳаллий бюджет ва иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жағмармаси маблағлари бўйича 75 фоизи иш берувчилар маблағлари ҳисобидан, 25 фоизи эса иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жағмармаси ҳисобидан амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази йўлланмаси бўйича ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юборилган фуқароларнинг жамоат ишига қабул қилинганлиги тўғрисидаги маълумот уч кунлик муддатда марказга ёзма равишда хабар қилиниши лозимлиги белгиланди.

Қарорнинг тўлиқ матни билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг [toshkent.uz](http://toshkent.uz) сайти орқали танишиш мумкин.

## МАҲАЛЛА КЎРКАМ — ЮРТ ОБОД

**Мамлакатимизда «Кучли давлатдан — кучли фуқароли жамияти сари» тамойилининг изчиллиги билан ҳаётга татбиқ этилиши натижасида маҳаллаларнинг ҳаётимиздаги нуфузи ортиб бораёттир. Бугун Олмазор туманида эллик саккизта ана шундай жамоат тузилмалари иш олиб бормоқда.**

Маҳаллаларнинг инсон манфаатларини муҳофазалаш, турмушимиз ободлигини таъминлашдаги ролини ошириш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Намунали маҳалла лойиҳаси ана шундай ишлар сирасига киради. Ҳозирги кунда тумандаги учта — Ёшлик, Мустақиллик, Аҳмад Яссавий маҳаллаларида ушбу лойиҳа доирасида кенг қамровли ободонлаштириш, тозалик, таъмирлаш, тиклаш ишлари олиб боришмоқда.

Бу жараёнда уйларнинг фасад қисми, йўлаклар, лифтлар таъмирланиб, уйлар атрофидаги ноқонуний қурилмалар ва ўровлар олиб ташланди. Бир қанча болалар ўйин майдончалари барпо этилиб, улар ўйин қурилмалари билан жиҳозланди. Аҳолининг автомобиллари турадиган майдончалар ташкил этилди. Янги чиқиндиларни йиғадиган майдончалар барпо этилди, мавжудлари таъмирланди.

Аҳмад Яссавий маҳалласида амалга оширилган ана шундай ишлар натижасида маҳалла янада чирой очиб, файзли масканга айланди. Ушбу маҳаллада қарийб беш минг нафар аҳоли, ўнга яқин миллатлар вакиллари аҳил-иноқ яшамоқда.

Ушбу ҳудудда амалга оширилган намунали маҳалла лойиҳаси доирасида кўп қаватли уйларнинг атрофидаги ноқонуний қурилмалар — 130 дан ортиқ гаражлар, ўровлар олиб ташланди. Ҳозир бу маҳаллада бешта болалар ўйин майдончаси фаолият юритяпти. Уларда аримчоч, сирпанчоч ўчоғидан ва бошқа ўйин қурилмалари, футбол, баскетбол, майдонлари бор. Болалар ўйин майдончалари нафақат бўш вақтни мароқли ўтказадиган, балки, болаларни тарбияладиган муҳим масканга айланиб бораёпти.

Маҳаллада бир гектарга яқин ташландиқ ер бор эди. Шу ерда «Ораста қизлар» боғи барпо этилди. Беш юз тупга яқин мева ва манзарали дарахт экилди. Кўчатларнинг барчасини тўлиқ ундиришга эришилди.

**Аҳоли саломатлигини асраш, оилада тиббий маданиятни юксалтириш жамиятимизда тиббий-ижтимоий соҳада олиб борилаётган ислохотларнинг устувор йўналишига айланган. Бу борадаги вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда бирламчи тиббий-профилактика муассасаларининг ўрни беқиёс.**

## ОИЛАВИЙ ПОЛИКЛИНИКА — САЛОМАТЛИК ТАЯНЧИ

Ҳозирги кунда мамлакатимизда шаҳар шароитида бу йўналишда аҳолига оилавий поликлиникалар томонидан самарали тиббий ёрдам кўрсатишмоқда. Мазкур шифо масканларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Инвестиция дастури доирасида амалга оширилаётган ана шундай бунёдкорлик ишлари натижасида кўплаб замонавий шифо масканлари барпо этилмоқда, мавжудлари тубдан реконструкция этилиб, сўнгги русумдаги тиббий технологиялар билан таъминланмоқда. Тумандаги 21-оилавий поликлиника ана шундай замонавий шифо масканларидан биридир. Мазкур тиббиёт маскани ўтган йили капитал реконструкция этилиб, фойдаланишга топширилди. Ҳозирги кунда оилавий поликлиникада чуқурлаштирилган тиббий текширувлар ўтказиладиган УЗИ, ЭКГ аппаратлари мавжуд. Шифохонада тиббий ходимлар иш жараёнида компьютер воситаларидан самарали фойдаланмоқда. Оилавий поликлиника лабораторияси тиббий таҳлилларни ўтказишда қўлланиладиган замонавий микроскоп ва бошқа воситалар билан таъминланган. Бундай ишлар натижасида аҳолига бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш сифати ошди.

Оилавий поликлиника умумий амалиёт шифокори тизимида иш юритмоқда. Ўн етти нафар умумий амалиёт врачининг ҳар бири тўрт юз эллик хонадонга хизмат кўрсатмоқда. Оила шифокорлари оила аъзоларининг жисмоний ва руҳий ҳолатини чуқур ўрганиб, касалликлар келиб чиқишининг олдини олиш юзасидан тарғибот ишларини юритади. Она ва бола саломатлигини асраш, болалар, ўсмирлар, фертил ёшдаги аёлларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикка жалб этиш, бу жараёнда аниқланган касалликларни соғломлаштириш, оилада тиббий маданиятни юксалтириш бўйича иш олиб боришмоқда. «Мойарик» маҳалласи аҳолига хизмат кўрсатаётган умумий амалиёт врач Жамшира Ҳайитова, «Нихол» маҳалласига хизмат кўрсатаётган шифокор Гулчеҳра Шомаксудовалар ана шу йўналишда фаол иш олиб бораётган тиббиёт ходимларидир. Оила шифокорига бу жараёнда патронаж ҳамширалар ҳам яқиндан кўмак бераёттир.

Оилавий поликлиника шифокорлари тиббий тарғибот тадбирларини ташкил этишда маҳаллалар ва ҳудуддаги таълим

— Намунали маҳалла деганда нафақат ободлик, балки, маҳалладаги тинчлик-тотувлик муҳити, оилалардаги осойишталик, жиноятчиликнинг олдини олиш борасида эришилаётган натижалар ҳам муҳим мезондир, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шоира Тўлаганова. Бу борада маҳалламизда давлат ва жамоат ташкилотлари, таълим муассасалари билан ҳамкорликда ёшлар ўртасида турли маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилмоқда. Ҳуқуқий саводхонлиқни ошириш ойларида уюштирилади. Бундай тадбирлар натижасида маҳалламизда тинчлик-осойишталик таъминланмоқда, ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олди олинаёттир.

Бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтириш маҳалла фаолиятининг устувор йўналишидир. Ушбу вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда «Оила — маҳалла — мактаб» концепцияси асосида амалга оширилаётган ишлар ўз самараларини бермоқда. Бу жараёнда мактаб битирувчиларини таълимнинг кейинги бўғинига тўлиқ қамраб олишга, коллеж битирувчиларини ишга жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу вазифаларни бажаришда узвийлиқни таъминлаш мақсадида маҳаллада махсус назорат дафтари юритилляпти. Ота-оналар, таълим ва туман бандликка кўмаклашиш муассасалари билан доимий ҳамкорлик қилинмоқда.

Маҳаллада шу кунларда ободонлаштириш ва тозалик ишлари кўламини янада кенгайтирмоқда. Уй-жой мулкдорлари ширкатлари билан ҳамкорликда кўп қаватли уйларнинг йўлакларини таъмирлаш, ҳудудни асфальт қилиш, уй-жойларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича иш олиб боришмоқда. Бундай чора-тадбирлар аҳиллик, ҳамжихатлик, меҳр-оқибат маскани ҳисобланмиш маҳалланинг янада обод бўлишига ва юртимиз равнақига хизмат қилади.

масканлари билан ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратадилар. Мазкур тиббий-профилактика муассасаси фаолият юритаётган ҳудудда унта мактаб, коллеж ва лицей бор. Ушбу таълим муассасаларида ташкил этиладиган саломатлик дарсларида тиббиёт ходимлари фаол иштирок этади. Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тарғиботида оид тадбирлар мунтазам ташкил этилади. Амалга оширилаётган бундай чора-тадбирлар аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

— Оилавий поликлиникамизда тиббий кўрикларни юқори савияда ташкил этиш, соғлиқимизни мустаҳкамлаш учун барча шароитлар мавжуд, — дейди «Аҳил» маҳалласида яшовчи Разно Усмонова. — Биз оила аъзоларимиз билан белгиланган муддатларда тиббий кўриқдан ўта-миз. Болаларимизни режа асосида эм-лашга олиб чиқамиз. Хонадонимизга оила шифокоримиз ва патронаж ҳамшира тез-тез ташриф буюриб, касалликларнинг олдини олиш бўйича маълумот беради. Бундай имкониятлар туфайли оила аъзоларимизнинг барчаси соғлом, фарзандларим тетик бўлиб ўсмоқда.

«Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган кенг кўламли вазифада ижроси натижасида аҳолининг ана шундай замонавий тиббий ёрдамдан баҳрамандлик даражаси ошиб бормоқда.

## ЎҚУВЧИЛАРГА БАЙРАМ ТУҲФАСИ

**Тумандаги 15-мактаб ўқувчилари янги ўқув йилини капитал таъмирдан чиққан замонавий мактабда боқлайдилар. 800 ўқувчига мўлжалланган ушбу мактабда шу кунларда сўнгги пардозлаш ишлари олиб боришмоқда.**

15-мактаб тумандаги етакчи таълим масканларидан биридир. Ушбу таълим даргоҳида ёшларга эллик икки нафар малакали устозлар таълим-тарбия бермоқда. Инвестиция дастури доирасида тубдан таъмирланган мактабда барча синф хоналари замонавий кўринишга эга бўлмоқда. Иншоотнинг муҳандислик-коммуникация тизимлари ҳам янгиланмоқда.

Мазкур мактаб директори Маъмура Нишонвановнинг айтишича, жорий йилда таълим масканига қарийб бир юз ўттиз нафар ўқувчи битирди. Битирувчиларнинг барчаси таълимнинг кейинги бўғинига қамраб олинди. Мактаб ўқувчилари билимлар беллашувлари, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ўтказилаётган турли танловларда фаол иштирок этмоқда.

Мактабнинг таъмирдан чиққан замонавий биносиди ёшларнинг бу борадаги билим ва салоҳиятини янада ошириш учун барча имкониятлар яратилмоқда. Синф хоналари замонавий ўқув-услубий воситалар билан жиҳозланмоқда. Кимё, биология, информатика, физика хоналари, лаборатория таҳлил ускуналари, компьютерлар билан таъминланган.

Яқин кунларда фойдаланишга топширилаётган ушбу таълим муассасаси ўқувчиларга байрам туҳфаси бўлади. Ёшларнинг билим ва интеллектуал қобилиятини ўстириш, ўсиб келаётган авлоднинг жисмонан ва маънан етук этиб тарбиялаш борасида яратилаётган бундай имкониятларнинг самараси беқиёсдир.



# ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

## ИЛК ҚАДАМНИНГ ШИДДАТИ (1991 йил)

Халқ — ҳамиша тарихи билан тирик. Тарих фақат ўтмиш эмас. У халққа, авваламбор, бугун, эртаси учун керак. Шукри, халқ бугун Ватанига, миллий давлатига эга, раҳнамо йўлбошчиси бор. Биз бахтли авлодимиз. Чунки халқимизнинг бир ярим асрлик армони ушалган замонга гувоҳимиз.

Тарихни, бугунни, келажакни ўйлаб мушоҳада қилinsa, қамрови, аҳамияти, мураккабликлари билан Истиқлолнинг ҳар бир йили халқ ва давлат тарихида бир неча йилга татийдиган даражада кенгайиб кетади...

Бугун 50 ёшдан ошган кишилар умрининг бир қисми шўро даврида, қолган 22 йили истиқлол замонида ўтди. Қиёслаш учун бундан ортиқ имкон бўлмас.

Дунёда буюк тушунчалар, муқаддас қадриятлар — кўп. Лекин уч тушунчанинг булар орасида ўзгача ўрни ва алоҳида аҳамияти бор.

### БУ — ХАЛҚ, ВАТАН, ДАВЛАТ

Уларни бир-биридан ажратиб тасаввур қилиб ҳам бўлмайди. Халқ бўлмаса, Ватан ва давлат тушунчаларига эҳтиёж ҳам қолмайди. Ватан бўлмаса, халқ қаерда яшайди-ю қай гўшада давлат куради? Халқ бўлса-ю Ватан бўлса-ю давлат бўлмаса, бу халқ ва Ватанининг ҳоли не кечгай?

Тўғри, 1991 йилнинг 31 августига қадар ҳам халқимиз бор эди. Ўзбекистон деган ҳудуд шу эди.

Демак, Ватан ҳам бор эди. Фақат нима йўқ эди? Халқнинг қўлида миллий давлати йўқ эди. Бошида ўз давлати йўқ халқнинг пешонаси — шўр, бахти ҳам — ярим-та. Ўз-ўзидан, нони ҳам бутун эмас. Чунки айнан миллий давлати йўқлиги учун халқнинг ҳуқуқи ҳам, Ватанининг тақдири ҳам ўзгаларнинг қўлида эди. Буни истибоддод ёки мустақиллик дейишди.

Ахир, Ватан бўлса-ю унга ўзинг эга чиқолмасанг, халқнинг бўлса-ю орақ ютиниб, «халқим», дейилмасанг. Республика мадҳиясини аввал ўзингдек бошқа бир халққа салом бериб бошласанг...

— Биз дунёда 40 миллионли халқимиз, — деган эди курдлардан бири ойнаи жаҳон орқали чиқишида. — Эронда, Ироқда, Туркияда, Афғонистонда, Озарбойжонда яшаймиз. Лекин «Курдистон» деган давлатимиз йўқ-да. Давлати йўқ миллат йўқдек гап экан: курд тилида бирорта мактаб ҳам йўқ...

Шундай кезлари беихтиёр минг бора шукр! — деб юборасан...

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритганидан кейин демократик жамият барпо этишга киришди. Бунинг учун ислохотлар бошлаб юборди.

Асли ислохот сўзи ўзгартириш деган маънони ифода қилади. Ҳозир тилимизда у кўпроқ жамиятни, тузумни ўзгартиришни аниқлатади.

Хўш, тузумни нега ўзгартиришимиз керак?

Президент Ислам Каримов 1991 йилнинг 31 августда республика парламентидаги тарихий маърузасида Ватан ва халқ тарихидаги бира-тўла икки буюк янгиликни эълон қилди:

биринчиси — Ўзбекистон ҳудудида тамоман янги, мустақил давлат тузилганини;

иккинчиси — социализмдан воз кечиби, янги тузум барпо этишга киришилганини.

Янги тузумнинг номи нима ва моҳиятида нима ётади?

Президент Ислам Каримов асарларида бу янги тузумнинг қуйидаги уч номи тилга олинади:

1. Бозор иқтисодиётига асосланган демократик тузум.

2. Бозор иқтисодиётига асосланган фуқаролик жамияти.

3. Бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий давлат.

Ана шу уч ном бир-бирини тўлдирди, бир-бирини келиб чиқади, бир-бирини талаб қилади ва тақозо этади.

Мана, йигирма иккинчи йил кетяптики, биз ана шу тўв ислохотларни амалга ошириб келяпмиз. Ўйртбосимиз ана шу тарихий маърузасида ислохотлар уч йўналишда олиб борилишини ҳам белгилаб берди. Бу:

- сиёсий ислохотлар;
- иқтисодий ислохотлар;
- маънавий ислохотлар.

Мамлакатда бир қатъи қоидага изчил амал қилиб келиняпти: **ислохот ислохот учун эмас, инсон, унинг манфаатлари учун!**

Демак, ислохотлардан қўзланган бош мақсад — халқ ҳаётини яхшилаш, фуқароларнинг эмин-эркин яшаши, ривожланиши, бунёдкорлик ишлари билан фаол шуғулланиши, умрни унумли ўтказиши, турмуш маъмунининг бойишига эришишдан иборат.

Ўзбекистонда бир тузумдан иккинчисига ўтиш мамлакат шароитига, халқ манфаатларига, миллий менталитетга мос ва хос равишда амалга ошириляпти.

Бу илмий асосланган ҳолда олиб бориляпти. У Президент Ислам Каримов мустақиллиқнинг дастлабки йилларидаёқ шакллантириб берган ўтиш даври беш тамойилида тўла акс этган (**Бу беш тамойил моҳияти ҳақида ушбу туркумнинг кейинги мақолаларида алоҳида сўз боради**).

Бир нарсга амин бўлайлик: Ўзбекистон бугун 22 йил бурунги Ўзбекистон эмас!

Бугун инсоннинг ҳаёти тубдан ўзгарганига гувоҳ бўлаяпмиз.

Хуллас, Ўзбекистон Республикасида демократик ислохотлар миллий манфаатларимиздан келиб чиққан



ҳолда амалга ошириляпти. Биз давлат бўлдик. Ҳар бир мамлакат ва унинг халқига давлат керак. Миллий давлатимиз мустақиллик берган энг олий неъмат ҳисобланади.

1991 йилнинг 1 сентябридан Ўзбекистон учун тамоман янги ҳаёт, бутунлай бошқача замон бошланганини ҳаммамиз биламиз. Лекин, мана, орадан йигирма икки йил ўтди...

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўша йили 31 август кунин парламент минбаридан туриб: **«Бугундан эътиборан 1 сентябрни Мустақиллик кунин — умумхалқ байрами деб эълон қиламан!»** — деган тантанавор қилиб айтган сўзлари ҳамон қулоқларимиз эстида жаранглаб турибди.

Ўзи ўша йил халқимиз ва республикамиз учун бошидан хайрли келган эди. Ҳали собиқ иттифок таркибиде турган бир республикада илгарилари бирон-бир йил алоҳида ном билан юритилганини ҳеч эслайсизми? Йўқ. 1991 йилни эса Ўзбекистон Президенти аввал бошдан улўф ўзбек шоири ва му-



ликаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари ўтказилган VII сессиясида Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи тасдиқланди.

Марказий Осиёдаги қўшниларимиз орасида биз биринчи бўлиб миллий байроқ қабул қилдик.

Байроқ, герб, мадҳия сўзларини ДАВЛАТ тушунчасидан айри тасаввур қилиш — қийин.

Қаердаки байроғимизни кўрсак, гербимизга кўзимиз тушса, мадҳиямиз янғраса, унинг биринчи сўзи қулоғимизга эшитила бошлаши билан кўз олдимизда жонахон Ўзбекистонимиз бус-бутунлигича — осмонўпар тоғлари, чексиз яйловлари, ям-яшил водию воҳалари, тарам-тарам дарёлари, гўзал шаҳарлари, сўлим қишлоқлари, бағрикенг овуллари, равон-равон йўллари, ҳосилдор боғларию бир ёғи уфққа туташиб кетган бўлиқ экинзорлари... билан гавдаланади.

Ҳатто, Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси жаранглаганда, ҳаммамиз уни тик туриб, ўнг қўлимизни кўксимизга — кафтимизни юрагимиз устига қўйиб эшитамиз, жўр бўлиб қўйлаймиз...

Аммо энди 1991 йилнинг мустақилликка эришганимиздан кейинги мураккаб ойлари кўз олдингизга келтиринг. Мустақил давлатга айланганимиздан кейин унинг байроғи, герби ва мадҳиясини қабул қилишимиз керак эди. Давлат байроғи, унда муҳрланган рамзлар бугунги Ўзбекистон сарҳадида қадимда мавжуд бўлган давлатлар билан тарихан боғлиқлиқни аниқлатади ҳамда миллий-маданий аъёнларимизни ўзида муҳассамлаштиради.

Давлатчилигимиз тарихининг қайси бир даврини олиб қарамайлик, давлат рамзлари Ватан тимсоллари сифатида ҳаммаша азиз ва муқаддас саналган. Ҳамма замонда ҳам булар шунчаки давлат сийсатини амалга ошириш воситасигина бўлиб қолмаган. Аксинча, жуда катта ижтимоий-маънавий аҳамият ҳам касб этган.

Халқимизнинг буюк давлат барпо этиш ғояси, салоҳияти ва умуминсоний қадриятларга содиқлиги, энг аввало, давлат рамзлари ва тимсолларида ўз ифодасини топган. Шу боис аждодларимиз ҳаётида рамзлар ва тимсоллар жуда эъзозланган. Одамлар давлат тимсоллари учун ўз жонларини ҳам фидо этишган. Жангу жадалларда байроқнинг қулаши ёки душман қўлига ўтиши мағлубият билан баробар турган.

Соҳибқирон Амир Темури даврида ҳам давлат байроғи катта ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий аҳамиятга эга бўлган. Шу сабабли жангу жадалларда давлат байроғини Амир Темурунинг энг ишонган баҳодир сипоҳийлари қўриқлаган. Темури тузуқларида таъкидланишича, душман устидан шижоат ва мардлик кўрсатиб, ғалаба қозongan амирлар ва сипоҳийлар давлат тимсоллари — туғ ва ноғора билан мукофотланган. Бу — Соҳибқирон салтанатида давлат рамзлари нечоғли банд турганидан далолат беради.

Мустақил давлатимиз рамзлари, жумладан, байроғимизда ҳам халқимизнинг хоҳиш-иродаси, ақл-салоҳияти, асрлар мобайнида синовлардан ўтган миллий гурури, кайфияти акс этган.

Байроғимиз қабул қилинган кунидан бошлаб халқимизнинг ифтихор тимсолига айланди. Мамлакатимиз миқёсида ўтказила бошлаган ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий тадбирлар Давлат байроғини тантанали суратда қўтариш билан очилган бўлди.

Йил охирига келиб, яъни 29 декабрь кунин Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги тўғрисида умумхалқ референдуми ва Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтди. Халқ давлат мустақиллигини қўллаб-қувватлади ва миллий давлатининг биринчи Президентини сайлади.

Ўзбекистон, асосан, пахта ҳомашёси етказиб берадиган республикага айлантириб қўйилган, ўша 1991 йили мамлакатда бор-йўғи 900 минг тонна ғалла етиштирилган эди, ҳоло. Бу янаги пишиқчилик ва ёқти турсин, ўша 1991 йилнинг охиригача ҳам етмас эди. Ўзбекистонда ғалла мустақиллигига эришиш ғояси мустақиллиқнинг илк кунларидаёқ туғилган ва уни амалга оширишга киришилган эди. Ҳозир ундан саккиз баробардан ортиқ ғалла етиштиратганимизни ўйласак, истиқлол халқимиз ва давлатимиз учун осонликча мустақилликни қолган неъмат эмас экани мутлақ аёнлашади.

1991 йилнинг тўрт ойи мобайнида жаҳоннинг 64 давлати Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини расман тан олди. Бу ўша пайт учун қанчалар катта аҳамиятга эга жаҳоншумул воқеа бўлганини бугун эслаш ҳар бир ўзбекистонликка айрича бир ҳузур бағишлайди, албатта.

25 декабрда Ўзбекистон Республикаси Жаҳон интеллектуал мулк ташкилотига аъзо бўлди.

Булар Ўзбекистонимизнинг халқаро майдондаги илк қўлғу одимлари эди. Хуллас, мустақиллиқнинг илк қадамлари ана шундай жуда шиддатли кечган эди.

**Олим МАХМУДОВ**  
(Келгуси сонда 1992 йил воқеалари тафсилоти билан танишасиз).



## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Дарахт меваси туфайли азиз,  
инсон фарзанди билан.

\*\*\*

Юз — кўзгу: унда кўнгил акс  
этади.

\*\*\*

Кўр ҳассасини бир марта  
йўқотади.

\*\*\*

Осоннинг қийини кейин чиқади.

\*\*\*

Эртани ўйламаган бугунни зое  
ўтказади.

\*\*\*

Ёмон муҳитдан қобил инсон  
чиқиши қийин.

\*\*\*

Болани тарбиялаш ва боқиш  
бошқа-бошқадир.

\*\*\*

Душманнинг жимиб кетганидан  
хотиржам бўлмаки, у янги фитна  
ҳозирлаётган бўлади.

\*\*\*

Ортиқча гурур панд беради.

\*\*\*

Бойлик оҳанрабодай ҳаммани  
ўзига тортади.

\*\*\*

Миннат юки тоғдан оғир.

\*\*\*

Кўнгли йўққа фақат бир жиҳат-  
дан ҳавас қилиш мумкин — у ғаму  
изтироб нималигини билмайди.

\*\*\*

Одамзод ўзини айбсиз кўришга  
мойил.

\*\*\*

Кўз очилганда бахт бой берилган  
бўлади.

\*\*\*

Биз бошқаларга нисбатан талаб-  
чанмизу ўзимизга қолганда кўнгил-  
чан.

\*\*\*

Доно вақтнинг қадрига етиб  
яшар.

\*\*\*

Ўз айбини бошқаларга тўнкаш  
муттаҳамликдир.

\*\*\*

Номард ўзи тушган чоғга бошқани  
ҳам тортади.

\*\*\*

Ҳар кунинг бир хил ўтмайди.

\*\*\*

Фикр дарахти албатта мева бе-  
ради, ҳаёл дарахти эса кўпинча  
мевасиз қолади.

\*\*\*

Интиланинг тутқич бермайди.

\*\*\*

Ҳаётдан аччиқланиш беҳуда.

\*\*\*

Кўрқок тасаввурини ҳақиқат деб  
ўйлайди.



**ЎЗГИДРОМЕТ**  
ХАБАР ҚИЛАДИ

иссиқ бўлади.  
Ўзгидрометнинг  
мониторинг хизмати  
маълумотига кўра,  
25 июлда Тошкент  
шаҳри об-ҳаво шаро-  
ти шаҳар ҳаво муҳитида  
зарарли моддаларнинг бир  
оз йиғилишига имконият  
ярадади. Атмосферанинг  
ифлосланиш даражаси 1-3  
фоиш кўпайиши тахмин  
қилинмоқда, тағмиқдори  
паст бўлади.

Тошкент шаҳрида  
25 июль кунин ҳаво вақти-  
вақти билан ўзгариб тура-  
ди, ёғингарчилик бўлмайди.  
Шарқдан секундида 3-8  
метр тезликда шомол эса-  
ди. Ҳарорат кечаси — 20-22,  
кундузи — 37-39 даража

